

Хитойнинг Нинся муҳтор ўлкасида 2,2 миллион мусулмон яшайди. Хитой улар талабини кондириш ва жаҳон халол махсулотлар бозорида ўз улушкини оширишга кизикмокда. Айнан шу худуднинг танланишига хукумат карорига таъсир килган мухим омиллар, минтакадаги бир катор афзалликлар ва мусулмон ахолининг кўплиги сабаб бўлган. 2010 йилги иктиносидий кўрсаткичлар ўтган йилдагидан 14 фоиз кўпайгани сабабли махаллий хокимият ва марказий хукумат мусулмонларнинг ишлаб чиқаришини кўллаб-кувватлай бошлашди. Уларнинг максади келажакда халол махсулотларнинг йирик етказиб берувчисига айланисидир. Ўтган йили Нинся 10 миллион доллар атрофида ёрликка (сертификатга) эга халол махсулотларни четга сотган эди. Бу хукумат фикрига кўра, жуда оздир.

Бу соҳадаги бозор хали етарли ривожланмагани учун “Yishun Yuan Agriculture and Trade Company”га ўхшаш компанияларининг ривожланиш истикболи юксак. “Yishun Group” компанияси 2010 йили 200 миллион юанлик сармоя билан ўз фаолиятини бошлаган эди. “Бизнинг айланма пулимиз 200 миллион юан бўлса-да, аммо бу билан чекланмаймиз”, “Икки йил ичида яна таҳминан 700 миллион юан сармоя киритмокчимиз”, дейди компания раҳбарияти.

Халол махсулотлар бозорида эллик фоиз акциялари билан “Yishun Yuan Agriculture and Trade Company” компанияси минтакада пешкадамга айланди. Жами мазкур лойихада икки юз кирк одам банд. Гўштни кайта ишлаш комбинати Хуанхэ дарёси билан Хэланшан тоги оралигига жойлашган “Desheng Industrial Park” саноат зонасида 14,6 гектар ерни эгаллаган бўлиб, бу худудда корамол ва кўйларни кўпайтириш учун хам имкониятлар бор.

Ички Монголия муҳтор округида “Yishun Group”нинг жун ва гўштни кайта ишлаш ва тўқимачилик фабрикаларидан иборат бир нечта шўъбалари бор. “Yishun Yuan Agriculture and Trade Company”нинг муваффакияти шу холдинг туфайлидир.

Компания халол махсулотларининг ёрлик олиши Хитой Ислом уюшмаси назорати остида амалга оширилмокда. Компания бир имомни тўлик иш кунига хак тўлаш шарти билан ишга ёллаган. “Шариат бўйича мол ёки кўйнинг күшхонага юборилишидан олдин доим дуо ўқиб туришим керак”, дейди имом Яъкуб Ма.

Компания Халкаро халол махсулотларнинг сертификатлашини кўллаб-кувватлаши учун Нинсядаги халкаро савдо марказининг (Ningxia International Trade Centre) коидаларга хам амал килиши керак.

“Бизнинг стандартлар НАССР (Food Safety Management System Certification) ва ISO9001ларга (Quality Management System Certification) мувофиқдир”, деб таъкидлайди компания вакили Янки.

Имомнинг айтишича, озик-овкат махсулотларининг нархлари ошмокда, бунга сабаб, уларни тайёрлашда сарф-харажатларнинг ортиб бораётганидир. “Маккажўхорининг нархи ўтган йилгидан 20 фоизга ошган, хашакнинг нархи эса 25 фоизга ошиб кетди”, деди Якуб Ма.

Шунга карамай, нарх сиёсати бошка мамлакатлар билан киёс килинганида анча ракобатбардошdir.

60 фоиз махсулот Индонезия ва Малайзия каби мамлакатларга экспорт килинмокда. “Мен Туркия бозорига хам кириш имкониятини изляяпман”, деди Янки.

Нинся минтакаси халол озик-овкат махсулоти саноатини кўллаб-кувватлаш максадида

ўзининг шахсий хукукий-норматив базасини ишлаб чиқди.

Амалдорлар вилоят салоҳиятини ошириш учун кўлдан келган ёрдамни беришмоқда.

Сўнгги беш йилдан бери халол саноатга кўмак маъносида Нинсяда халол махсулотлар фестивали ўтказилиб келинмоқда.

Икки мингдан ошик катта ва кичик корхоналар озик-овкатларга оид халол махсулотлар бозорига жалб килинган. Шу вакт ичida Халол-бизнесда иштирок этаётган компаниялар тарафидан уч юзга якин патент олинган.

Нинся муҳтор ўлкаси хукумати ўз компанияларининг халкаро шериклари билан алоказаларини яхшилаш ниятида Дубайда хисоб марказини хам ташкил килиб кўйган. 2010 йил ичida компания 354,3 тонна халол гўшт экспорт килган.

Янкининг айтишича, хозир улар мусулмон мамлакатлари элчиноналари билан

мунозаралар олиб бормоқда ва улар хар кандай талабларни кондиришга тайёр.

“Пекиндаги мусулмон мамлакатларининг элчиноналари бизнинг таклифларимизни яхши каршилашди ва айни чогда улар технология ва имкониятларимизни ўрганишмоқда”, деди у.

Интернет материаллари асосида Абу Муслим тайёrlади